




XASR



IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 26-MAY, PAYSHANBA, 21 (653)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракциясининг навбатдаги йиғилишида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил ҳамда жорий йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот танқидий таҳлил тарзида муҳокама қилинди.

Кун тартибидagi масала юзасидан **молия вазирлиги ўринбосари Мубин Мирзаев**, **Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Эркин Галоев**, **Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Муталибжон Саидовнинг ахбороти тингланди**. Депутатларнинг ҳисобот даврида бажарилган ишлар билан бирга йўл қўйилган камчилик-нуқсонларнинг сабабларини аниқлаштиришга йўналтирилган кўплаб саволларига, шунингдек,

Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа маъсул идоралар мутасаддилари жавоб кайтаришди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, муҳокамалар давомидаги савол-жавоблар мантиқан бир-бирини тўлдириб, фракция аъзоларининг фаоллиги маълум даражада кучайгани сезилиб турди. **Кўзатувчилар бунини "Парламент назорати**

тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киргандан кейин депутатлар ўз зиммаларидаги масъулиятини янада теранроқ ҳис қила бошлагани билан изоҳлашмоқда. Айни шу жиҳатлар, айниқса, парламент қўйи палатасида кўпчилик ўринини эгаллаган О'zLiDeP фракциясидан ўз иштини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариб, қабул қилинаётган қонунлар, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ривож-

лантириш дастурлари ижроси устидан назорат самарадорлигини янада оширишни талаб этади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари, фракциялар, депутатлик гуруҳлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни дастлабки тарзда муҳокама қилиш асносида тегишли давлат органларидан қўшимча маълумотларни ҳам талаб қилиб олишни мумкин. Мазкур тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асослари "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида мустахкамлаб кўйилган.

Муносабат

ЖАҲОН БИЗ-ЛА БЎЙЛАШСА БЎЛАР!

Қорақалпоғистон заминидан Устюрт газкимё мажмуаси иш бошлади

Бизда "Давлатнинг қўноғи қўша келади" деган ҳикмати ибора бор. Хитойлик ҳамкорлар билан бирга Қўнғирот сода заводини барпо этганимизда бир қувонган эдик. Чунки у Марказий Осиёда ягона, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида учинчи турдош корхона эди. Завод қошида Элобод номли сулув шаҳарча қад тиклагани саҳронинг олтин узугига қадалган зумрад кўз бўлган эди ўшанда. Истиқлолимизнинг чорак асри давомида "Биз барчамиз Қорақалпоғистон халқидан қийинчиликларга бардошли бўлиш ва уларни енгиб, она заминни обод қилиб яшашни ўрганишимиз лозим" ҳамда "Мен ўзимни нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан" дея фаҳрга тўлиб сўзлаган Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Қорақалпоғистонда ўнлаб янги корхоналар, магистраль йўллар, метин кўприклар, темир йўллар, каналлар, турар-жойлар қурилди.

Мана, энди жанубий кореялик ҳамкорларимиз билан биргаликда жаҳоннинг энг йирик сармоявий дойиҳаларидан бири – Устюрт газкимё мажмуасини ҳам фойдаланишга топширдик. Эслийди, ушбу ноёб мажмуани қуришга онд битимни "Project Finance International" халқаро наشري нефть-кимё ва газ-кимё секторидagi 2012 йилнинг энг яхши дойиҳаси, "Trade Finance Magazine" ва "Global Trade Review" нашрлари "2012 йилнинг энг яхши битими", "Infrastructure Journal" наشري эса "Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими" дея эътироф этган эди. Ўзбекистон-Жанубий Корея манфаатли ҳамкорлигининг ажойиб намунаси бўлган ва умумий қиймати 4 миллиард долларлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз дисциллари ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Мен оддий ишчиман. Аммо шойрона ибора билан айтадиган бўлсам, бу гигант корхона саҳро уммонидан сўзиб бораётган улкан кемага ўхшайди. Унинг ёнида янги гузал шаҳарча пайдо бўлди. 140 та замонавий коттеж, 3 та ҳавас қилса арзиғулик ётоқхона, жаҳон андозаларига жавоб берадиган меҳмонхона, яшил хиёбонлар, қирмизи гулзорлар бу "кема"га безак бўлиб

турибди. Мажмуада жаҳон кимё саноатида эътироф этилган, юксак сифат сертификатига эга бўлган 1478 та замонавий асбоб-ускуна ўрнатилди. Мен табиий газ таҳлилга йўналтирилган хроматограф хизмат кўрсатиш гуруҳида ишлайман. Бу компьютерлаштирилган автоматик тизим ўтган аср кимё саноати ишчиларининг етти ухлаб тушига кирмаган бўлса керак. Барча маҳсулотларимиз юксак баҳоланмоқда, шу кунгача экспорт қилинган маҳсулотларимиз юзасидан бирор эътироз эшитмадик. Устюрт – она заминимизнинг бир бўлаги. Ахир, онамиз бизга меҳр билан оқ сўт берганидек, моё еримиз ҳам ўз бойликларини саҳийлик билан ҳада қилмоқда. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, мавзедagi Сурғил, Фарбий Бердақ, Шарқий Бердақ конлари 260 миллиард кубометр табиий газ захирасига эгаллиги бежиз тилга олинма-япти. Демак, Яратганининг бизларга ҳада этган инъоми – ер ости ресурсларимиз, насиб этса, бизнинг ортимиздан келаётган фарзандларимизга ҳам анча йилларгача етиб ортади. Қолаверса, бу саховатли заминдан хали қанчадан-қанча табиий газ, нефть конлари топилади ва улар келиши авлод манфаатларига хизмат қилади. Мен меҳнатсевар халқимизни бу истиқболли корхонанинг иш бошлагани билан чин юракдан қутлайман! **Қуниёв БЕКМУРАТОВ, Устюрт газкимё мажмуаси аналитатор ва газ хроматограф хизмат кўрсатиш гуруҳи ходими**

Келгуси сонда

"Ўзбекистон фермерлари — дунё эътирофиди"
О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси ҳамкорлигида республикамиз ҳудудларида шу шнор остида амалий семинарлар ўтказиш режалаштирилган эди. Президентимизнинг "2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижроси юзасидан ташкил этилаётган мазкур тадбирларнинг дастлабки кеча Андижон шаҳрида бўлиб ўтди. Водий вилоятларида фаолият кўрсатаётган фермерлар, умуман, аграр сектор равнақи йўлида жонбозлик кўрсатаётган ташаббускор партиядошларимизни қамраб олган амалий семинар тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонда батафсил танишингиз мумкин.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:



СЎНГИ ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНДИ!

Қуни кеча юртимиздаги барча мактабларда ўқув йили якунига етди – азамат ёшларимиз сўнги қўнғироқ садолари остида жонажон мактаб кучоғидан катта ҳаёт сари шахдам қадам ташлади. Халқ таълими вазирлигининг матбуот хизматида хабар қилишича, жорий йилда 476 минг 616 нафар ўғил-қиз умумтаълим мактабларини битиряпти. Ёшларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган махсус сўровнома натижаларига кўра, ўқувчиларнинг 42 минг 870 нафари (9%) академик лицейларда, 433 минг 738 нафари (91%) касб-хунар коллежларида ўқиш истагини билдирган. Сўнги қўнғироқ садолари ҳар бир юракни ҳаяжонга солаётир. Катта ҳаёт оstonасига бир дунё орзу-умидлар билан қадам қўяётган ёшларнинг йўллари ҳаммаша ёруғ бўлсин!

КИТОБ БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ!

Мухтарам юртдошлар! Анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиб келинаётган Республика китоб байрами пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги Маданият ва истироҳат боғида 26-28 май кунлари бўлиб ўтади. Ушбу маърифат ва маънавий шодёнасида юртимиз матбаа-ноширчилигида эришилган энг сўнги ютуқлар билан танишингиз мумкин. Ташкилотчиларнинг маълум қилишларича, уч кун давом этадиган зиё байрамида ижодий учрашувлар, китобхонлик маданиятини рағбатлантиришга доир акциялар ўтказилади. Энг янги китобларнинг тақдими, чегирмали савдолар ҳам уюштирилади. **Маърифат байрамига марҳамат!**



Дастурий мақсадларга уйғун фаолият

Маълумки, ҳудудларда ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, электорат манфаатини ишончли ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш кўп жиҳатдан сиёсий партиялардан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар фаоллигига боғлиқ. Бинобарин, мақсадга эришишда депутатлик гуруҳлари ишини жонлантириш тажрибадан ўтган йўл ҳисобланади. Бойси, улар сиёсий партияларнинг жойлардаги асосий кучидир. Сайловчининг хоҳиш-истаклари ана шу бўгин орқали юзага чиқади. Ҳудудларда мавжуд масалалар дastлаб депутатлик гуруҳларида муҳокама қилинади. Хўш, Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳининг жорий йил биринчи чорагидаги фаолиятида ҳам ана шу механизм асосида партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатини ҳимоя қилиш, қонун ҳужжатларининг ижросини изчил назорат қилиш борасидаги вазифалар қай даражада удаланмоқда? О'zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Аброр Уразовга шу каби саволлар билан мурожаат этдик. —Дарахт илдиздан қувват олганидек, партиялар кучни қуйи бўғинлари-



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австралия доллари	2117,11	1 АКШ доллари	2919,35	1 Хитой юани	446,01	1 Польша злотийси	742,82	1 ЕВРО	3334,4
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 25 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун қўриқчи валюталарнинг сўғла ниёбват қўйидаги қўйилган белгилади.	1 Англия фунт стерлинги	4238,31	1 Миср фунти	328,76	1 Россия рубли	43,98	1 СДР	4104,11	10 Жанубий Корея вон	24,7
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.	1 Дания кронаси	441,06	1 Исландия кронаси	23,5	1 Украина гривнаси	115,84	1 Туркия лираси	981,66	10 Япония иенаси	265,81
	1 БАА дирҳами	794,86	1 Канада доллари	2228,34	1 Малайзия ринггити	717,64	1 Швейцария франки	2951,82		

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Давом. Бошланиши 1-саҳифада

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларининг изчил ва тизимли амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт ўсишининг барқарор ва юқори суръатларига ҳамда макроиқтисодий мувозанатга эришилгани, ижобий суръатлар жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам сақлаб қолингани, буларнинг барчаси иқтисоди-

О'zLiDeP фракцияси аъзолари Давлат бюджет ва мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари ижросини манфаатлари ҳамда Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар нуктаи назаридан таҳлил қилишди. Жумладан, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижаси эътироф этилиб, уларни янги поғонага кўтариш билан боғлиқ йўналишларга

кичик бизнес субъекти ташкил қилинди. Йил бошидан кичик бизнес субъектларига 3,6 триллион сўмлик ёки ўтган йилнинг шу даврига солиштирилганда 1,3 марта кўпроқ кредит ажратилди.

Давлат бюджет ижросининг муҳокамаларида қайд этилганидек, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишга йўналтирилган лойиҳаларга ўз вақтида маблағ ажратилиши О'zLiDeP электорати манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Аграр тармоқда босқичма-босқич таркибий ўзгаришларни

роқ этиш эса партия дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни рўйбга чиқаришда кучли воситадир.

– Ижро механизмларининг тўғри йўлга қўйилгани халқаро иқтисодий ташкилотлар рейтингларида ҳам ўз ижобий ифодасини топмоқда, – деди биз билан суҳбатда **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Комилжон Эрназаров**. – Хабарингиз бор, ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки "Бизнес юритиш" рейтингини эълон қилган эди. Унда Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғона кўтарилиб, 87-ўринни эгаллагани фикримиз далилидир.

"Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш", деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланиладиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида янги очилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони кўпаймоқда. Жорий йил бошидан буён 583 янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 95 турдаги янги товарлар экспорт қилинди. Биз Давлат бюджетининг 2015 йил ҳамда жорий йил биринчи чорагида ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллар эканми, бу борада мамлакатимизда изчил олиб борилаётган комплекс тадбирлар партияимиз платформасида белгиланган бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатдошлигини оширишдаги устувор вазифаларига ҳамроҳлигини ҳам эътироф этдик.

Йиғилиш якунида қўрилган масалалар бўйича О'zLiDeP фракциясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзолари "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиб келишди. Мазкур қўмитанинг кенгайтирилган йиғилиши эса ана шу тадбир якунларига бағишланди. Муҳокамага Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат Божхона қўмитаси, "Ўзбошдавқарантин" инспекцияси мутасаддилари ҳамда ОАВ ходимлари таклиф этилди.



НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Кун тартибидидаги масала юзасидан сўзга чиққан **парламент қўйи палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Комилжон Эрназаровнинг таъкидлашича**, ўсимлик қасалликлари ва бегона ўтларнинг республикамиз ҳудудига кириб келишининг олдини олиш жуда долзарб масала ҳисобланади. Зеро, турли экинлар, боғу тоқзорларни зараркунданлардан самарали ҳимоя қилмай туриб, улардан сифатли ва юқори ҳосил олиб бўлмайди.

– Биргина мисол, – деди нотиқ иштирокчилар эътиборини тортиш мақсадида. – Зарпечак ёки колорадо кўнғизи билан зарарланган картошка майдонида белгиланган муддатларда хашоратларга қарши кураш чоралари қўрилмас, ҳосилдорлик 2-3 баравар камайиб кетади. Девпечак билан зарарланган боғ ва тоқзорлар вақтида химоя қилинмаса, қуриб қолиши ҳам мумкин.

– Биргина мисол, – деди нотиқ иштирокчилар эътиборини тортиш мақсадида. – Зарпечак ёки колорадо кўнғизи билан зарарланган картошка майдонида белгиланган муддатларда хашоратларга қарши кураш чоралари қўрилмас, ҳосилдорлик 2-3 баравар камайиб кетади. Девпечак билан зарарланган боғ ва тоқзорлар вақтида химоя қилинмаса, қуриб қолиши ҳам мумкин.

– Биргина мисол, – деди нотиқ иштирокчилар эътиборини тортиш мақсадида. – Зарпечак ёки колорадо кўнғизи билан зарарланган картошка майдонида белгиланган муддатларда хашоратларга қарши кураш чоралари қўрилмас, ҳосилдорлик 2-3 баравар камайиб кетади. Девпечак билан зарарланган боғ ва тоқзорлар вақтида химоя қилинмаса, қуриб қолиши ҳам мумкин.

К. Эрназаров ўз маърузаси давомида қўллаб рақамларни ҳам келтирди. Хусусан, 2015 йилда Қорақалпоғистонда жами 375 гектар тўздор карантин назоратидан ўтказилгани, зарарланиш аниқланган 7,6 гектар майдонга кимёвий усуллар билан ишлов берилганини айтиб ўтди. Ўтган йили ҳудудга чет давлатлардан олиб келинган, ўсимликлар карантини остидаги юклар 47984,8 тоннани ташкил этган. Бундан ташқари, хориждан 156005 метр-куб ва 16741 дона ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари келтирилган.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, чет давлатлардан Қорақалпоғистон Республикасига кирган ўсимликлар карантини остидаги юклар, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлар белгиланган тартибда кўриқдан ўтказилиб, карантин кўриқ далолатномаси ва раскредитовкалар расмийлаштирилиб берилган.

Ўрганиш давомида амалга оширилган ижобий ишлар билан биргаликда айрим хато ва камчиликлар ҳам маълум бўлди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан фермер ва дехқон хўжалиқларига, бошқа корхона ҳамда ташки-

лотларга зараркунданларга биологик усул билан қарши курашда етарли даражада ёрдам кўрсатилмаган. Шунинг учун ҳам фракцияимиз аъзолари мазкур инспекция раҳбари Адилбай Сапаровага партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қўллаб-қувватлаш билан мурожаат қилишди. "Ўзбошдавқарантин" инспекцияси бошлигининг ўринбосари Алишер Содиқов эса бу борада мамлакат миқёсида қилинаётган ишлар ва уларнинг самараларига тўхтади.

Йиғилиш давомида экспорт-импорт қилинган маҳсулотлар ҳамда назоратдан ўтказилган далалардан давлат стандартлари асосида олинган намуналар бўйича лаборатория хулосаларининг кечикиб келиш ҳолатлари ҳам парламент вакилларининг эътиборидан четда қолмади.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан соҳа мутахассисларининг фикр ва мулоҳазалари тингланган, мутасадди ташкилотларга тегишли тавсиялар берилди. Ушбу соҳага алоқадор қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.



ёт тармоқлари ва соҳаларини янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратгани таъкидланди.

Хусусан, 2015 йил якунлари бўйича мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,8 фоизга, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Давлат бюджет ижросида ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасида ижобий сальдо таъминланди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

этибор қаратилди.

Қўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етди ёки 1,8 баробар ошди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиги мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 8,4 мингдан ортиқ ёки 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 5,5 фоиз кўп янги

амалга ошириш, гўза майдонларини маъбуллаштириш орқали кўпроқ бошоқли дон, сабзавот экинлари етиштириш, боғдорчилик ва узумчиликни кенгайтириш бўйича қилинаётган салмоқли ишлар партияимиз аъзоларининг катта қисмини ташкил этувчи қишлоқ мулкдорларини қувонтирмоқда.

Фракция аъзоларининг хулосасига кўра, 2015 йил ва жорий йил биринчи чорагида Давлат бюджетининг ижроси тасдиқланган параметрларга мувофиқ таъминланган. Давлат бюджетини шакллантириш, тасдиқлаш ва ижросини назорат қилишда фаол ишти-

ҲАМКОРЛИКДА ҲИҚМАТ КЎП

О'zLiDeP ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ, ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН УЮШТИРИЛГАН ДАВРА СУҲБАТИДА ОРГАНИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИгини РИВОЖЛАНТИРИШ САРИ ҚўЙИЛАЁТГАН ҚАДАМЛАР ХУСУСИДА СўЗ ЮРИТИЛДИ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари, соҳа экспертлари ва Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган илғор фермерлар ушбу долзарб мавзу юзасидан фикр алмашишди. Шунингдек, органик қишлоқ хўжалигининг анъанавий усулларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдан фарқли жиҳатлари хусусида сўз юритилди. Экинларни парваришда атроф-муҳитга зарар келтирадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасликнинг долзарб аҳамияти миллий ва хорижий амалиётда тўпланган тажриба орқали таҳлил этилди. Бунда асосий эътибор органик қишлоқ хўжалигининг биологик хилма-хиллигини асраш, экотизим барқарорлигини сақлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва инсон саломатлигини муҳофазалашда тутган ўрнига қаратилди.


– Кун тартибидидаги масала-

нинг яхлит ҳуқуқий асоси яратилмаган бўлса-да, лекин мамлакатимизнинг қўллаб-қувватлаш ҳужжатларида органик қишлоқ хўжалигини тартибга солишга доир тегишли нормалар мавжуд, – деди **парламент қўйи палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Исламжон Зокиров**. – Жумладан, "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддаси озиқ-овқат хомашёсига, озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш, ташини, сақлаш ва реализация қилишга оид қонда-талабларга бағишланган. "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, атроф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулки хавфсизлигини, техникавий ва ахборот жиҳатдан маҳсулотнинг бир-бирига мос келиши ва ўзаро алмашинувчанлигини, уларни назорат қилиш ва тамғалаш усуллари бирлигини таъминлаш бўйича стандарт-

ларда белгиланган талаблар давлат бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурийдир.

"Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасида маҳсулотларни етиштириш ва ишлаб чиқаришда биологик-экологик хавфсизлик талабларига қатъий амал қилиш белгиланган. "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги" тўғрисидаги Қонунда асосий эътибор маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш, реализация қилишда унинг софлигини, хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Давра суҳбати иштирокчилари Президентимизнинг "Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари" мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференциядаги маърузаси органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда дастуриямал бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида



қайд этишди. Дарҳақиқат, минерал ўғитлар, пестицидлар ва шу каби воситаларнинг ўрнига органик ўғитлардан фойдаланиш афзаллиги аллақачон исботланган. Тўғри, кимёвий моддаларни қишлоқ хўжалиги зараркунданларига қарши курашишда ишлатиш мумкин, ammo улардан стимулятор, яъни экинни тез ривожлантирадиган воситга сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Мазкур йўналишда олиб борилаётган фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари ва соҳанинг етакчи мутахассисларидан иборат Ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси ўрганилиши баробарида унинг бошқа

қонунчилик ҳужжатлари билан номуносив ёки мувофиқ келмаган нормаларни чуқур таҳлил қилинмоқда. Уни янги меъёрлар билан тўлдириш ташаббуслари илгари суриляпти. Жумладан, "Биологик (органик) маҳсулот" маркировкасини жорий этиш таклиф этилмоқда. Бу маркировка қўллаб ривожланган хорижий мамлакатлар амалиётида мавжуд бўлиб, қонунларда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Стандартлаштириш маркази директори Анвар Жуманов органик қишлоқ хўжалигининг анъанавий усулларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдан фарқли жиҳатлари, афзалликларни хусусида жонли мисоллар келтириб, аслида юртимизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг 80-90 фоизи органик қишлоқ хўжалиги талабларига мос келиши, муаммо ана шу табиийликни тегишли ҳужжатлар – халқаро миқёсда тан олинган сертификатлар билан тасдиқлаш жараёнини тезлаштиришда қолганини таъкидлади.

Мулоқот якунида тадбиркор Музаффар Ирисметов чорвачилик учун йил давомида ям-яшил озуқа ўстириш имконини берадиган замонавий технология ва ускуналарни намойиш қилди. Лойиҳа муаллифининг фикрича, мазкур усулда ем-озуқа етиштириш органик қишлоқ хўжалиги талабларига жавоб бериши баробарида чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиқларининг харажатларини камайтириш ва даромадларини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Саҳифани
Озод РАҲАБОВ
тайёрлади.

Дастурий мақсадларга уйғун фаолият

Давоми. Бошланги 1-саҳифада

Мазкур вазибаларни амалга ошириш мақсадида депутатлик гуруҳи томонидан жорий йилнинг май ойида Президентимизнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг вилоятдаги ижроси юзасидан назорат-таҳлил тадбири олиб борилиб, ушбу масалани Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига киритиш ишлари давом эттирилмоқда.

— Суҳбатимизни депутатлик сўрови натижалари билан давом эттирсак...

Амалдаги қонунларнинг қандайдир шаклда бузилиши ёки ижроси султанат ҳолатлар юзасидан депутат тегишли давлат органлари мансабдор шахсларига мурожаат қилиш ва ўртага қўйилган масалани кўриб чиқишда ишторак этиш ҳуқуқига эга. Бу, биринчи навбатда, депутатнинг ваколат доираси кенглигини кўрсатса, бошқа томондан мазкур ваколатлардан самарали фойдаланишни ўз-ўзидан депутатлик назорати кучайишини таъминлайди. Назоратнинг энг таъсирчан шакллари билан бири эса депутатлик сўровидир. Шу боис депутатлик сўровларида ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва камчиликларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратилади. Масалан, жорий йилнинг дастлабки 3 ойи давомида Халқ депутатлари Тошкент

вилоят Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзолари сайловчиларнинг 100 га яқин мурожаатини атрофлича ўрганиб, тегишли ташкилот ва муассасаларга сўровлар жўнатишди. Қолаверса, жорий йилнинг дастлабки чорагида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамкорлигида электротар вакиллари билан 120 дан ортиқ учрашув ташкил этилди. Бу эса сайловчиларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириб, партиянинг гоё ва мақсадларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Депутатлик гуруҳи ўтган 2015 йил мобайнида жойларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, айниқса, БПТлар орқали мавжуд муаммоларни кўтариб чиқиш, уларнинг ечими бўйича аниқ тақлиф ва тавсиялар тайёрлаш, уларни доимий комиссия йиғилишлари ҳамда сессиялар кун тартибига киритиш ишларига алоҳида эътибор қаратди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида 25 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилгани ойдинлашди. Шунингдек, доимий комиссияларга 35 та тақлиф киритилгани ҳам фаолликдан далолат беради.

— Айтгинчи, ана шу жаҳба-



да электротар манфаатлари қай даражада акс этди?

— Албатта, биз партиямиз дастурида алоҳида қайд этилганидек, тадбиркорлар эркинлигини таъминлаш учун уларга иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий шароит ва қаролатлар яратиши, мазкур қатлам фаолиятининг ҳар томонлама рағбатлантирилиши, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақил бўлиши, бу йўлдаги тўсиқлар бартараф этилиши тарафдоримиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, айна пайтда тадбиркор ва фермерларга тўсиқ бўлаётган 57 та муаммо ва уларнинг ечими бўйича иш олиб боришмоқда. Қувонарлиси, электротар вакиллари партиянинг кў-

магини амалда ҳис этишмоқда. Мисол учун, ўтган йилнинг айни даврида тадбиркор ва фермерлардан 31 та мурожаат келиб тушган бўлса, бу йил уларнинг сони анча ортган.

— Келгуси режалар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз?

— Галдаги вазибалар масъулият ҳиссини оширса оширадими, камайтирадими. Негаки, ҳали Тошкент вилоятида депутатлар, партия фаоллари эътибор қаратиши лозим бўлган юмушлар талайгина. Бу борада муваффақиятга эришишни истар эканмиз, аввало, партиянинг йўналишлар моҳиятини тўлиқ англаган ҳолда фаолиятимизни давр талаби билан уйғунлашти-

ришимиз мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина етакчилик мавқеимизни сақлаб қолишимиз мумкин. Қолаверса, партиянинг Сайловолди платформасидаги вазибалар муваффақиятли амалга ошириб, белгиланган режалар самарали яқун топади. Бир сўз билан айтганда, билдирилган ишончли амалий ишлар билан оқламоғимиз даркор.

Шу нўқтаи назардан олиб қараганда, Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи ҳам жорий йилда бир қатор муҳим вазибаларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси ҳамда қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига етказиб берилаётган маҳсулотларнинг назоратини кучайтириш бора-сида Тошкент вилояти ҳудудида амалга оширилаётган ишларни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари кун тартибига олиб чиқиш масалалари шулар жумласидандир.

Акбар МУЗАФФАРОВ
суҳбатлашди.

Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи йиғилишида вилоят ҳокими ўринбосарлари Улуғбек Раззоқов ҳамда Комилжон Расуловларнинг "Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишда ҳудудда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ҳисоботлари эшитилди.

Унда қайд этилишича, Президентимизнинг 2015 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги Қарори асосида вилоятда 1947,6 миллиард сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилиши белгиланган. Умумий қиймати 62 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 83 та ижтимоий, муҳандислик-коммуникация объектлари қурилиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича 42 та инвести-

цион лойиҳа амалга оширилди. Айни кунгача мазкур дастур доирасида "Навоий КМК" ДЖда 20 та, "Навоийазот" АЖда 4 та, "Қизилқумсмент" АЖда 3 та, "Навоий ЭИИЗда 5 та, "Навоий ИЭС" АЖда 1 та ва 9 та бошқа йўналишлардаги модернизация ва реконструкция лойиҳалари бўйича жами 84,6 миллион АҚШ долларини миқдориди маблағлар ўзлаштирилди. Натижада 1100 та янги иш ўрни яратилди.

ҲИСБОТ ВА ЕЧИМЛАР

Вилоятда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни, диверсификация жараёнини чуқурлаштириш борасида олиб борилган ишлар тўғрисида маълумотларни қисқача таҳлил қилиш мақсадида маҳаллий ҳокимиятнинг ҳисоботи эшитилди. Ҳисобот даврида маҳаллий ҳокимиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўламини кенгайтириш, Шавқиддин Жамоллов эса Навоий шаҳридаги санитария талабларига тўла жавоб бермаган замонавий кушона имкониятларидан фойдаланилмаётгани хусусида гапиришди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларидан Муродулло Ҳакимов вилоятда етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўламини кенгайтириш, Шавқиддин Жамоллов эса Навоий шаҳридаги санитария талабларига тўла жавоб бермаган замонавий кушона имкониятларидан фойдаланилмаётгани хусусида гапиришди.

Ҳоким ўринбосарларнинг эшитув савол-жавоб ва баҳс-мунозара тарзида давом этди. Қўлга киритилган ютуқлар каторида ечимталаб муаммолар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларидан Муродулло Ҳакимов вилоятда етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўламини кенгайтириш, Шавқиддин Жамоллов эса Навоий шаҳридаги санитария талабларига тўла жавоб бермаган замонавий кушона имкониятларидан фойдаланилмаётгани хусусида гапиришди.

Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзоларидан Амир Азимов сановат ҳудудларидаги баъзи корхоналар фаолиятини қайта тиклаш, Баҳодир Рузиев эса Кармана туман дехқон базорида қуриб битказилган савдо дўконларининг кадастр ҳужжатларини тезроқ расмийлаштиришга нима тўсиқлики қилаётгани билан қизиқилди.

Тадбир сўнгида Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш бўйича 2015 йил ва жорий йил биринчи чорагидаги иш якунлари хусусида Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Абдумажид Жўраевнинг ҳисоботи тингланиб, келгусидаги устувор вазибалар белгилаб олинди.

Мансур АСЛОНОВ,
"XXI asr" мухбири

О'зЛиДеР СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИНING ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИДА НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ТАДБИРЛАРИ БЎЙИЧА МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИШ, "КУЙИДАН – ЮКОРИГА" МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРГАН ҲОЛДА УНИ АМАЛИЁТГА ЯНАДА КЕНГРОҚ ЖОРИЙ ЭТИШ НАЗАРДА ТУТИЛГАН

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида мазкур ҳудудда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредитлар ажратишнинг ҳолати юзасидан тижорат банклари мутасадди раҳбарларининг ахбороти эшитилди. Тадбирга шаҳарда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари вакиллари ҳам тақлиф этилди.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНАДИ

Дастлаб "Микрокредитбанк" Самарқанд шаҳар филиали бошлиғи Дониёр Абдуфайзовнинг ҳисоботи тингланди. Унинг айтишича, шу даврда 43 нафар тадбиркорга 2 млрд. 494 млн. сўм миқдорида кредит ажратилган. Йўналиш кесимида оладиган бўлсақ, оилавий тадбиркорларга 248 миллион, хотин-қизларга 133 миллион, коллеж битирувчиларига 63 миллион, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳасидаги ишбилармонларга 1 млрд. 146 миллион сўмлик маблағ берилганини кўришимиз мумкин.

Тиф "Миллий банк" Самарқанд вилоят амалиёт филиали кредит бўлими бошлиғи Эркин Ҳўлатовнинг ахборотида ушбу муассаса аёллар бошқараётган ёки улар меҳнат қилаётган кичик корхоналарни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бераётгани билан боғлиқ жиҳатлар

тилга олинди. Унинг таъкидлашича, 2016 йилнинг биринчи чорагида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 601 миллион, ишбилармон хотин-қизларга 78 миллион, ёшларнинг бизнес-режаларига 234 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилган.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилиб, уларга турли имтиёзлар берилаётгани Самарқанд шаҳрида ҳам тадбиркорликнинг тараққий этишида муҳим омили бўлмоқда, — дейди Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Шохрўх Жўрақулов. — Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказиш, кредит олиш жараёнилари сезиларли даражада соддалаштирилди. Лекин қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Хусусан, бугунги тадбирда баъзи банкларда тадбиркорларни ор-

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи йиғилишида Президентимизнинг "2014-2018 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси, шунингдек, вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви ва сифатли санитария жиҳозлари билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди.

Вилоят тиббиёт бошқармаси бошлиғи Т. Расуловнинг таъкидлашича, мазкур муассаса томонидан соҳа ходимларининг масъулиятини ошириш, тармоқнинг моддий техника базаси ва қарлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли тушунтириш-тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

САЛОМАТЛИК МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

Соғлиқни сақлаш вазириликнинг "2016 йилда аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлашни ҳамда профилактика ва чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ўтказишни ташкиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи асосида ҳозирга қадар 210 580 нафар мактаб ўқувчиси, 60 661 нафар коллеж ёшлари тиббий кўриқдан ўтказилди.

Вилоятда 799 721 нафар тутиш ёшидаги хотин-қиз бўлиб, жорий йилнинг дастлабки чорагида шулардан 374 162 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Бўлгуси оналарда ва микронутриентлар етишмаслигининг олдини олиш мақсадида қишлоқларда яшовчи хомилдор аёлларга бепул витаминлар тарқатилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 1 декабрдаги "Қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж тиббиёт ҳамшираларининг моддий рағбатлантириш кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар марказ томонидан ўрганилганда чикинди йиғиш майдончалари, чикиндиҳоналар қурилиши, мавжудларининг тартибга келтириш борасида Қарши шаҳри ва туманлардаги ҳолат кўрикларида таъминоти йилнинг дастлабки чорагида шулардан 374 162 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди.

Узбекистон Республикасининг "Чикиндилар тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатдан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар марказ томонидан ўрганилганда чикинди йиғиш майдончалари, чикиндиҳоналар қурилиши, мавжудларининг тартибга келтириш борасида Қарши шаҳри ва туманлардаги ҳолат кўрикларида таъминоти йилнинг дастлабки чорагида шулардан 374 162 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди.

Ипгилишда вилоятда ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш, аҳолини сифатли ичимлик суви ва замонавий санитария тизимлари билан таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳамда аҳоли ўртасида юқумли касалликлар тарқалишини олдини олиш мақсадида санитария-гигиена ҳоидаларига риоя қилиниши борасидаги ишларни янада чуқур ўрганиш ва ушбу масалани Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг ташаббуси сифатида киритиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

қурилиши, мавжудларининг тартибга келтириш борасида Қарши шаҳри ва туманлардаги ҳолат кўрикларида таъминоти йилнинг дастлабки чорагида шулардан 374 162 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди.

Қишлоқларда чикиндиҳоналар қурилиши бўлиб бориши, канал, зовурлар ёқаларига майнинг чикиндилар ташланаётгани, уларнинг вақтида олиб кетилмаётгани нохуш ҳолат-

Мухаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

ЛОЙИҲА ҒОЛИБЛАРИ ИШБИЛАРМОНЛАР САФИДА

O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда "Партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг электорати манфаатлари ҳамда ҳудудларнинг ривожланиш дастуридан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

МУҲИМИ — АМАЛИЙ НАТИЖА

Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан сўзга чиққанлар партия гуруҳлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, уларнинг депутатлик назоратини амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш ҳамда сайловчилар билан тизимли ишларни ташкил этиш механизмлари хусусида атрофлича фикр билдирдилар.

Шунингдек, партия гуруҳлари ва маҳаллий Кенгаш доимий комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш, жойларда қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан депутатлик назоратини изчил давом эттиришда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги

фракцияси ва фуқаролик жамияти институти билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш бўйича конструктив мулоқотлар бўлиб ўтди. Баҳс-мунозаралар чоғида Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини амалга оширишда депутатлик гуруҳларининг партия туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар билан ўзаро фаолиятини янада такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбир якунида депутатлик гуруҳлари фаолигини ошириш ҳамда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз муҳбиримиз

Энг олий неъмат

O'zLiDeP Фарғона вилояти Кенгаши томонидан Бағдод туманида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Тинчлик, осойишталик ва барқарорлик – жамият тараққиётининг муҳим омили" мавзусида тадбир ўтказилди.

Сенаторлар, таниқли адиблар, ҳудуддаги БПлар етакчилари ҳамда партия фаоллари қатнашган учрашувда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси юртимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдираётганлиги таъкидланди.

Иштирокчилар ана шу хайрли ишларга O'zLiDeP ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётганини эътироф этишди. Ватанимиздаги тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, мусавфо осмонни асраш учун ҳамиша огоҳ бўлиш муқаддас бурчимиз эканлигига алоҳида урғу берилди.

Тадбир давомида, шунингдек, "Бағдод ва бағдодликлар" номи янги китоб тақдими ҳам ўтказилди.

O'zLiDeP Фарғона вилояти Кенгаши матбуот хизмати

"ДИПЛОМ БИЛАН – БИЗНЕСГА":

O'zLiDePнинг "Диплом билан – бизнесга" лойиҳаси доирасида 2010-2015 йиллар мобайнида 4 мингга яқин битирувчи тижорат банкларидан жами 22 млрд. 423 миллион 370 минг сўм кредит олиш имконига эга бўлишди. Жумладан, ўтган йили 1048 нафар йигит-қизнинг бизнес-режаси маъқулланиб, уларга қарийб 7 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Биз эса бугунги кунда ташаббускор ва интилувчан тадбиркор сифатида фаолият юритаётган ана шундай ёшлардан айримларининг фикрлари билан қизиқдик.

МУЯССАР ШАЙДУЛЛАЕВА:
(Сурхондарё вилояти)

— 2015 йил Ангор туман Маишй хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини тамомлагач, O'zLiDeP томонидан ўтказилган "Диплом билан – бизнесга" лойиҳасининг вилоят босқичида ғолиб бўлиб, банкдан 5 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олдим. Бизнес-режамга мувофиқ, иссиқхона ташкил қилдим. Айни пайтда 5 кишининг бандлиги таъминланган.

Иссиқхонада етиштирилаётган подиз маҳсулотларини мавсумдан олдин маҳаллий бозорга чиқариш ҳисобидан фойда олишни мақсад қилиб қўйганман. Мана шу лойиҳани ташкил этган партия фаолларига миннатдорлик билдираман. Келгусидаги режаларим янада улкан. Қўшимча ер олиб, маҳсулотлар турини кўпайтириш ниятидаман.

МАВЛУДА КАРИМОВА:
(Навоий вилояти)

— Ёшларга берилган эътибор ва имкониятлар ҳақида ўйласам,

ҳали олдинда қиладиган ишларим жуда кўп эканлигини яна бир бор ҳис қиламан.

O'zLiDeP нинг биз – ёшлар учун мўлжалланган истиқболли лойиҳаси ҳақида эшитганимдаёқ унда қатнашишни хоҳладим. Астойдил интилиш ва устозларимнинг қўллаб-қувватлаши натижасида ғолиблар сафидан жой олдим. Лойиҳада иштирок этишим менинг жамиятда ўз ўрнини эгаллашда бир поғона кўтарилди бўлди.

O'zLiDeP сертификати асосида "Микрокредитбанк"нинг Кармана филиалидан олинган 5 900 000 сўмлик имтиёзли кредитни тивув машиналари, турли матолар сотиб олишга, ишхонани таъмирлашга сарфладим.

МАХСЕТ ЎРИНБОЕВ:
(Қоракантон Республикаси)

— Шуманай туманидаги Қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг бухгалтерия бўлимига ўқишга кириб, кичик бизнеснинг сир-асрорларини муайян даражада ўргандим. Болалигимдан ҳисоб-китобни яхши

кўрардим, ўйин ўйнаганда қозғондан пул қилиб, "ҳодимларим"га тарқатардим.

Ўтган йили O'zLiDePнинг "Диплом билан – бизнесга" номи лойиҳасида ўз бизнес-режам билан иштирок этдим. "Сервис хизмати кўрсатиш" номинацияси бўйича сертификат билан тақдирланганим тадбиркорлик фаолиятимга киритилган илк сармоя, десам муболага бўлмайди. Коллежини битиргач, ёғочдан ва алюминий профилдан эшик ва дераза ромлари тайёрлаш билан шуғулланувчи яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтдим. Халқ банки бўлимидан 15 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, зарур асбоб-ускуналар ва станокларни харид қилдим. Бугунги кунда икки нафар ҳодимим билан ҳам сифатли, ҳам ҳамёнбоп маҳсулотларни аҳолига етказиб бераёпмиз.

Шундай овоз ва обод диёрнинг фарзанди эканимдан қувончга тўлиб, шукроналар айтаман. Тенгдошларимга қарата: "Бугунги кун бизники, ёшларники, изланишдан толман!" дегим келади.

ШАҲЗОД ҒАЙБУЛЛАЕВ:
(Бухоро вилояти)

— Қатъий мақсад йўлида ҳар қат қилган ҳар бир инсон албатта ўз мақсадида эришади. Мухтарам Президентимиз томонидан ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар, имтиёзлар натижасида қобилиятли, ишбилармон йигит-қизларимиз сафи кун сайин кенгайиб бораётгани бу фикримнинг исботидир.

O'zLiDePнинг "Диплом билан – бизнесга" лойиҳасида ғолиб бўлиб, "Агробанк"дан 58 млн.сўм имтиёзли кредит олишга муяссар бўлдим. Ушбу маблағ эвазига нон ва нон маҳ-

сулотлари ишлаб чиқариш бизнесини йўлга қўйдим.

Айни пайтда маҳаллий бозорда ўзим пишираётган нонларни сотаяпман. Режаларим бисёр. Хусусан, қандолатчилик маҳсулотлари сотиладиган дўкон очишни ният қилиб қўйганман.

Менга билдирилган ишонччи оқлаш, кредитни вақтида қайтариш учун тинмай изланиламан. Амни-манки, интилишларим бесамар кетмайди. Ўзим истаган манзилга етман, албатта.

ШОҲСАНАМ ИСАМАТОВА:
(Сирдарё вилояти)

— Ёшлар бизнесини йўлга қўйиш, улар бандлигини таъминлашда O'zLiDePнинг истиқболли лойиҳалари муҳим ўрин тутмоқда. Улар доирасида биз партиянинг мақсад ва вазифалари, ғоялари, амалга ошираётган ишлари билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик. Бу эса ёшларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш баробарида уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол бўлишга ундайди. Ушбу лойиҳада чорвачилик йўналишида муваффақиятли иштирок этиб, "Микрокредитбанк"дан 3,5 млн. сўм кредит олдим.

Айни пайтда тикувчилик билан ҳам шуғулланаяпман. Маҳалладошларимга буюртма асосида миллий либослар тикиб бераман. Қолаверса, турли ширинликларни тайёрлаш, тортларга безак беришни хуш кўраман. Келгусида O'zLiDeP кумагида тикувчилик ва қандолатчилик цехи очиш ниятидаман.

"XXI asr" муҳбири
Дилноза НОМОЗОВА
ёзиб олди.

ДИЛШОДНИНГ МАҚСАДИ

O'zLiDeP Янгиер шаҳар Кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан Янгиер академик лицейида ўқувчи-ёшлар ўртасида партияимизнинг ҳаётбахш лойиҳаларидан бири – "Ишбилармон талаба" кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Кўрик-танлов давомида сўзга чиққанлар мазкур тадбир ёшларни тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини ошириш, инновацион бизнесни йўлга қўйиш борасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, битирувчиларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг мамлакатимиз келажаги йўлидаги интилиш, изланишлари, жамоат ишларидаги фаол иштирокини рағбатлантириш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш мақсадида ташкил этилганини таъкидлашди.

Кўрик-танловда жами 32 нафар истеъдодли ўқувчи ўз лойиҳаси билан қатнашди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, унда самарали, истиқболли фаолияти, соғлом фикри, теран дунёқароши билан тенгдошларидан ажралиб турган Янгиер академик лицейининг I босқич ўқувчиси Дилшод Қурбонов ғолиб деб топилди.

— Бир йил олдин 7 сотих ер майдонида интенсив бот ташкил этгандим. Бу йил мевали дарахтлар гуллаб, дастлабки ҳосил бериш арафасида турибди. Президентимизнинг "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори тажрибали дехқон-фермерлар қатори мени ҳам жуда қувонтирди. Эндиликда мазкур қарорда белгиланган ишларни амалга оширишга ўз улушимни қўйиш ниятидаман, — дейди Дилшод Қурбонов.

Хусан ЖАББОРОВ,
O'zLiDeP Сирдарё вилояти Кенгаши
Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири

Мансур АСЛОНОВ,
"XXI asr" муҳбири

ТАДБИРКОР ТАЛАБАЛАР

O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши томонидан "Мустақилликка менинг ҳиссам" деб номланган Ёшлар форуми доирасида "Ишбилармон талаба" стипендияси учун уюштирилаётган кўрик-танловнинг вилоят босқичи ўтказилди.



O'zLiDeP "Ёшлар қаноти" фаоллари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 1-2-босқич ўқувчилари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар мазкур танлов O'zLiDeP нинг ёшларга оид дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ҳамда партия дастурларидан боғабар этиш орқали тарафдорлар сафини кенгайтиришга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

— Танловнинг туман ва шаҳар босқичининг жойларда уюшқоқлик билан, юқори савияда ўтказилганлиги вилоят босқичига фақатгина муносибларни саралаб олиш имконини берди, — дейди O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири, ҳайъат раиси Сардор Марипов. — Масалан, танлов доирасида ёш тадбиркорларимиз нафақат ўзлари ишлаб чиққан маҳсулотлар кўргазмаси, балки замонавий билим кўникмалари билан ҳам

тенгдошларидан устунлигини кўрсата олди. Очигини айтганда, илмга чанқок, интилувчан, ҳозиржавоб ёшларимизнинг танловга пухта тайёргарлиги кўрганлиги боис ғолибларни аниқлашимиз бироз қийин кечди.

Навоийлик ўқувчиларнинг миллий ғоя ва маънавият, замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар, давлат ҳамда хорижий тилларни билиши бўйича билимлар синовида чорлаган "Ишбилармон талаба" стипендияси кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритганлар орасида Навоий маданият ва санъат коллежи ўқувчиси Сайёра Зиёдуллаевага биринчи, Нурота ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи ўқувчиси Раъно Истамтошева иккинчи, Қизилтепа қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчиси Нуршоода Келдиёровага эса учинчи ўрин насиб этди.

Эътиборлиси, танлов ғолиблари-

нинг оила аъзолари ҳам улар илгари сурган ғоя иштирокчиси эканлиги кўпчиликини қувонтирди. Оддий мисол, биринчи ўрин ғолиби С. Зиёдуллаевага каштачилик она мерос касб бўлса, иккинчи ўрин соҳибсиз Р. Истамтошева кулполчилар оиласида ўсиб-улғайган. Учунчи ўринни қўлга киритган Н. Келдиёрованинг оила аъзолари мева қуришти ва қайта ишлаш бўйича оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишади.

Дарҳақиқат, ҳозирданок тадбиркорлик сир-асрорларидан воқиф бўлиб бораётган йигит-қизлар катта ҳаёт оstonасида ўз орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда ўзига хос синовдан ўтмоқдалар. Бу борада O'zLiDePнинг "Ишбилармон талаба" стипендияси кўрик-танлови уларни янада руҳлантириши шубҳасиз.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг VII бандида кўзда тутилган, яъни, қиз болалар — бўлажак оналарни жисмонан соғлом ва интеллектуал ривожланган тарзда вояга етказиш, уларнинг академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олишини, замонавий билимларга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда келажақда соғлом ва мустақкам оила қуришларида асосий шарт ҳисобланмиш мустақкам ҳаётий нуқтани назарни шакллантириш масалалари O'zLiDeP "Ёшлар қаноти"нинг доимо диққат марказида бўлиб келмоқда. Хусусан, партиянинг Зангиота туман Кенгаши томонидан "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" мавзусида ташкил этилган "Ёшлар форуми" ҳам ана шу хайрли мақсадларга қаратилганлиги билан эътиборга лойиқ.

ЗАНГИОТАДА "ЁШЛАР ФОРУМИ"

Тадбирда ўтган давр мобайнида Зангиота тумани ҳокимлиги ҳамда O'zLiDeP туман Кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, истиқболдаги режалар белгилаб олинди. 2015 йили партия ташкилоти ҳамкорлар билан биргаликда ёшлар масалаларига оид турли тарғибот ишлари, партиявий лойиҳалар, давра суҳбатлари, амалий мулоқотлар ташкил этгани қайд этилди. Бу жараёнларда қол-қолда битирувчиларининг бандлиги таъминланишига эришилгани ҳам ҳамкорликнинг амалий ҳосиласи экани эътироф этилди.

150 нафардан зиёд йигит-қиз қатнашган мазкур анжуманда му-тахассислар томонидан "Ёшларга доир давлат сиёсатининг ҳозирги кундаги аҳамияти", "Бахт калити

оилада", "Лойиҳаларимиз: ёшларга, тадбиркорларга ва ҳар бир коллеж битирувчисига", "Глобаллашув шароитида интернет хавфсизлигини таъминлаш, ёшларнинг чет элга узоқ муддатга чиқиб кетишининг олдини олиш" каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

Тадбир ниҳоясида партия лойиҳаларида фаол иштирок этган энг иқтидорли ва изланувчан йигит-қизлар ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совгалари билан тақдирланди. O'zLiDeP билан ҳамкорликда фаол иш юритган туман хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими вакилларига ҳам ташаккурномалар топширилди.

O'zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши матбуот хизмати

"Синалган самарадор йўлдан бораяпмиз"

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ҲАМ САФДОШЛАРИМИЗ ТОБО-
РА КЎПАЙМОҚДА. БУНГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИШ УЧУН АЙ-
РИМ РАҚАМЛАРГА НАЗАР ТАШЛАШ КИФОЯ. ЎТГАН ЙИЛНИНГ
ЯНВАРИДА 976 ТА БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ 24500 НАФАР
O'zLiDeP АЪЗОСИНИ БИРЛАШТИРГАН БЎЛСА, ЖОРИЙ ЙИЛ
АВВАЛИДА МАСЛАҚДОШЛАРИМИЗ ҚАРИЙБ 27 МИНГГА, ҚҲИ
ТУЗИЛМАЛАР СОНИ ЭСА 1007 ТАГА ЕТДИ.**



— Сиёсий куч сафига ки-
риш истагини билдираётганлар
камаяётгани йўқ. — дейди пар-
тия Самарқанд вилоят Кенгаши
БПТлар билан ишлаш гуруҳи
раҳбари Шерзод Ҳамдамов. —
2016 йилнинг биринчи чорагида
бошлангич ташкилотлар сони
яна 17 тага, ҳаммаслақлар эса
924 нафарга кўпайди. Ҳозирда
таъин тузилмалар 1024 тани,
ҳаммаслақларимиз 27696 на-
фарни ташкил қилмоқда. Эъти-
борлиси, янги кўйи бўғинларнинг
аксарияти тadbиркорлик ва хиз-

мат кўрсатиш субъектлари, фер-
мер хўжаликлари, йирик саноат
корхоналари, тижорат банкла-
рида ташкил қилинган.
Хўш, O'zLiDeP сафига ким-
лар қиряпти? Улар нима учун ай-
нан либерал-демократик партия
гояларига хайрихоҳ?
Динора Ҳамдамова Са-
марқанд давлат архитектура ва
қурилиш институтининг учинчи
босқичида тахсил олмоқда. У
яқинда партия Самарқанд шаҳар
Кенгашига келиб, O'zLiDePга
аъзо бўлишга қарор қилганини

маълум қилди. Динорани илиқ
кутиб олган ходимлар бир неча
кундан сўнг унга тантанали ра-
вишда аъзолик гувоҳномасини
тақдим этишди.
— Мазкур партия фаолиятига
қизиқишим касб-хунара коллежи-
да ўқиб юрганымда бошланган,
— дейди Д.Ҳамдамова. — Уша
пайтларда пайариқлик дуго-
нам Наргиза Ҳикматова партия
лойиҳаларида муваффақият-
ли қатнашиб, имтиёзли кредит
олиш ҳуқуқини кўлга киритганиди.
Банқдан маблағ олиб, чорва мол-

лари харид қилди. Кейинчалик
хусусий бизнесини кенгайтириб,
тикувчилик фирмасини ташкил
қилди. Бу менда катта таассурот
қолдирди, ҳавас уйғотди. Яқинда
O'zLiDeP фаоллари институти-
мизда бўлиб, партиянинг дасту-
рий мақсад ва гоёлари ҳақида
сўз юритишди. Мулоқотда ўзим-
ни қизиқтирган саволларга жавоб
топдим ва либераллар сафига
кўшилишга аҳд қилдим.

Ўтган ойда яқунланган хи-
сobot-сайлов йиғилишларида
таъкидланганидек, бошлангич
ташкилотларнинг самарали фао-
лияти жойларда сиёсий кучнинг
таъсирини, мавқеини мустаҳкам-
лаб, тарафдорларимиз, партия-
дошларимиз кўпайишига замин
яратяпти. Айниқса, электорат ва-
киллари ташвишлантираётган
муаммоларни аниқлаш, уларнинг
мониторингини олиб бориш ва
ечимини топишда таянч тузилма-
лар ва депутатлик гуруҳларининг
ҳамкорлиги ижобий натижалар
бермоқда.

Чунончи, Нуробод тумани
кўп тармоқли марказий шифо-
хонасида иш юритаётган БПТ бу
борада етакчилардан саналади.
Мазкур кўйи ташкилотнинг 70 га
яқин аъзоси аҳолига малакали
тиббий хизмат кўрсатиш билан
бирга гоёвий-сиёсий ишларни
ҳам талаб даражасида олиб
бораяпти, ижтимоий-иқтисодий
масалалар ҳал қилинишига ёр-
дам бераёпти.

— Ўтган йилги фаолияти-
мизни сарҳисоб қилиб, тегишли
хулосалар чиқардик, — дейди
кўйи тузилма етакчиси Нуриддин
Ҳамидов. — Муаммоларни ўрга-
ниш, уларнинг ҳал қилинишига
кўмаклашиш, юқори партия таш-
килоти ва депутатлик гуруҳига
таклифлар бериш бўйича муай-
ян ишлар амалга ошириляпти.
Биз, аввало, ўзимизда мавжуд
айрим муаммолар ечимини то-
пишга интиляёпмиз. Зеро, муас-
сасамизда кўзга ташланиб тур-
ган камчиликлар бўлгани ҳолда
қандай қилиб бошқалар муам-
мосини кўтариб чиқамиз?

Дарҳақиқат, шундай. Маз-
лумки, туман шифохонаси кўп-
лаб беморлар даволаниб чиқа-
риб маскан. Лекин артезиан
қудуғидан олинаётган сувнинг
сифати қониқарли эмас. Жорий
йилда шифохонанинг рекон-
струкция қилинишидан хабар
топишгач, БПТ фаоллари Жану-
бий кон бошқармасига қарашли
"Дамхўжа-Нуробод" тоза сув
тармоғига улашиш масаласини
муҳокама қилишди. Сўнгра аниқ
таклифлар билан партия туман
Кенгаши аппарати раҳбари
Марҳаб Усановага учрашди.

— Мазкур масала юзасидан
маҳаллий кенгашдаги партия-
вий депутатлик гуруҳи аъзоси
Гулҳа Хусанова билан бирга
туман ҳокимининг ўринбосари
Отабек Жўраев қабулида бўл-
дик, — дейди М. Усанова. —

Тақдим этган таклифларимизни
мутасаддилар кўлаб-қувват-
лашди. Айни кунларда шифо-
хонани таъмирлаш баробарида
сифатли ичимлик суви билан
таъминлаш бўйича тегишли
ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Адвокатлар па-
латасининг Самарқанд вилоят
худудий бошқармасида ташкил
этилган БПТ 50 дан зиёд либе-
рал-демократик гоёлар тарғи-
ботчисини бирлаштирган. Қайд
этиш керакки, ўтган йили улар
томонидан маҳаллаларда бе-
пул ҳуқуқий ёрдам бериш йўлга
қўйилган эди.

— Бир йил давомида 560
дан зиёд фуқаро, 120 дан ор-
тиқ тadbиркорга бепул ҳуқуқий
маслаҳатлар берилди, шунинг-
дек, хусусий бизнес соҳасига
кириб келаётган ёшлар ҳам
бундай тadbирларда қатнашиб,
зарур билимларга эга бўлишди,
— дейди кўйи бўғин фаоллари-
дан бир Исомиддин Муқимов.
— Мустақил равишда аҳоли,
хусусан, тadbиркорларни ўйлан-
тираётган турли масалаларни
жойида ўрганиб, зарур ҳолларда
Халқ депутатлари вилоят Кенга-
ши депутати Отабек Ахтамов билан
биргаликда иш олиб бораё-
миз. Жорий йилнинг кейинги уч
ойида олтишдан ортиқ шикоят,
ариза ўрганилиб, ижобий ҳал
этилгани тилга олишга арзирли
ютуқларимиздан берибдир.

Шу ўринда янги маслақдош-
ларимиз орасида ёшларнинг
кўпчилиги хилма-хил ташаббус-
лар, гоёлар вужудга келишига
асосий омил бўлаётгани партия-
вий фаолиятда акс этмоқда.
"Каттақўрғон ёр-мой" акциядор-
лик жамиятидаги таянч бўғинда
30 нафар изланувчан, сергайрат
ёшлар жамланган.

— Президентимизнинг мам-

лакатимизни 2015 йилда
ижтимоий-иқтисодий ривож-
лантириш яқунлари ва 2016
йилга мўлжалланган иқтисодий
дастурнинг энг муҳим устувор
йўналишларига бағишланган
Вазирлар Маҳкамасининг кен-
гайтирилган мажлисидаги маъ-
рузасида белгилаб берилган
долзарб вазифалар ижросини
таъминлашда бошлангич таш-
килот ва маҳаллий кенгаш де-
путатлари билан ҳамкорлигини
янада мустаҳкамлаш масалала-
рини муҳокама қилдик, — дейди
БПТ раиси Сотиболди Жума-
ев. — Жумладан, Каттақўрғон
шаҳар ҳокимлиги томонидан
ишлаб чиқилган ижтимоий-иқти-
содий дастурлар ижроси, хиз-
мат кўрсатиш соҳасини ривож-
лантиришда қузатилаётган
айрим муаммолар, аҳолининг
маиший шароитини янада ях-
шилаш каби масалаларни
домий равишда ўрганиш, бу
йўналишлардаги тахлилий ма-
териалларни, таклифларни пар-
тия шаҳар ташкилоти ва депу-
татларга тақдим этиш юзасидан
махсус режа туздик. Тўғри, БПТ
тузилганидан буён ўтган вақт
мобайнида бирмунча ишлар-
ни бажардик. Лекин партияимиз
олдига қўйилаётган вазифалар
кўламини инобатга олсак, бу
етарли эмаслиги ойдинлашади.
Эришилган натижалардан хо-
тиржамликка берилмаслигимиз,
партия электорати, омма ораси-
га янада чуқурроқ кириб бори-
шимиз, одамлар билан юзма-юз
бўлиб, партияимиз гоёларини ту-
шунтиришимиз, муаммолар ҳал
қилинишига янада кўпроқ кўмак-
лашишимиз зарур. Энг самара-
ли йўл — шу.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

Ютуқларнинг асосий омили

Шўрчи туманидаги "Бўстон" МФЙ худудидаги
O'zLiDeP бошлангич ташкилоти ташаббуси билан
"Парламентнинг мамлакатимиз ривожига тутган ўрни"
мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда маҳаллий кенгашлар де-
путатлари ҳамда БПТ фаоллари
маҳалла ёшларига парламентнинг
жамиятни демократлаштиришдаги
аҳамияти хусусида сўзлаб берди-
лар. Олий Мажлис Қонунчилик па-
латасидаги O'zLiDeP фракциясининг
"Кучли давлатдан — кучли фуқаролик
жамияти сари" тамойили ҳаётга тат-
биқ этилишига қўшаётган ҳиссасини
қайд этдилар. Ўзбекистон Респуб-
ликаси Конституцияси ҳамда тегишли
қонунлар мазмун-моҳияти тўғрисида
атрофлича фикр юритдилар.

— Юртимизда жамиятни демок-
ратлаштириш, фуқаролик институ-
тлари родини оширишга қаратилган
ислохотлар изчил амалга оширил-
моқда. — деди ўз сўзида БПТ раиси
Жасурбек Раимов. — Уларнинг му-
ваффақияти парламент ва сиёсий

партияларнинг родини кучайтириш
билан бевосита боғлиқ. Юртимиз-
да парламент ваколатларини янада
кенгайтиришга алоҳида эътибор қар-
ратилмоқда. Хусусан, икки палатали
парламент тизими бурпо этилди.
Кўйи палата ва Сенат давлат ҳамда
жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқти-
содий ҳаётидаги муҳим масалалар-
ни ҳал этишда самарали иштирок
этмоқда.

Тadbир ниҳоясида иштирокчи-
лардан партия тузилмалари фао-
лиятини такомиллаштириш бўйича
турли таклиф ва тавсиялар олинди.

НИГИНА ШОЕВА,
O'zLiDeP Шўрчи туман
Кенгаши
БПТлар билан ишлаш бўйича бош
консультанти.

Ҳар бир
юртдошимиз
қонунларда
ифодаланган ҳақ-
хуқуқлари, бурч ва
мажбуриятларини
яхши билиши,
ҳаётда уларни
қўллаш
борасида муайян
кўникмаларга эга
бўлиши лозим.

Ёшликда олинган билим...

Шу ўринда "Ёшлиқда олинган
билим тошга ўйилган нақшдир" де-
ган ҳикмат беихтиёр ёдга тушади.
Бинобарин, ҳуқуқий саводхонлиқни
оширишга йўналтирилган ишларни
болалар, ўсмирлардан бошлаш мақ-
садга мувофиқ, Фарзандларимизда
сиёсий-ҳуқуқий маданиятни шакл-
лантириш мамлакатимизда амалга
ошириляётган туб ислохотлар сама-

радорлигининг муҳим шартидир. Шу
боис ёшларнинг ўз конституциявий
ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ ан-
лаб етиши, содир бўлаётган воқе-
аларга дахлдорлигини оширишга
барча воситалар билан кўмаклашиш
зарур.

Пойтахтимизнинг Чилонзор ту-
манидаги "URI-KOM" адвокатлик
фирмасидаги O'zLiDeP бошлангич
ташкилоти фаолларининг ташаб-
буси алоҳида диққатга молик. Маз-
кур ташаббуснинг амалга ошишида
Ўзбекистон халқаро арбитраж ва ҳа-
камлик судларини ривожлантириш
жамоат фонди бош-қош бўлди. Яъни,
жорий йилдан эътиборан таълим му-
ассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий би-
лимларини оширишга бағишланган
туркум тadbирлар ўтказилаяпти.

Хусусан, яқинда пойтахтимиздаги
Сергеи политехника касб-хунара кол-
лежиде ана шундай мулоқотларнинг
навбатдагиси бўлиб ўтди. Жамоат
фонди ҳузурдаги Тошкент шаҳар
ҳакамлик суди раиси, тилга олин-



КОН" фирмаси адвокати Шерзод
Қаюмов сўзга чиқиб, болалар ва
ўсмирларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбури-
ятлари ҳақида атрофлича маълумот
бердилар. Жумладан, ҳукуматимиз
томонидан олиб бориляётган гамхўр-

тажрибадан келтирилган мисоллар,
қизиқарли ва ҳаётий воқеалар билан
омикта бўлгани эса мулоқотнинг жон-
ли, мазмунли ўтишини таъминлади.
Тadbир мобайнида "Жаноб ҳеч
ким" миллий кинофильмидан лавҳа

Бехзод ИСРОИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

Партия мулкдорлар қатлами, ки-
чик бизнес вакиллари, тadbиркор
ва ишбилармонлар, фермерлар,
ишлаб чиқариш соҳасидаги мутахассислар
ҳамда ўз ташаббускорлигини ривожлантириш
эвазига халқ фаровонлигига эришишга ҳара-
кат қилаётган ижодкорлар, олимлар ва барча
фуқароларнинг манфаатларини ва сиёсий
иродаларини ифодаловчи сиёсий ташкилот
ҳисобланади.
Партиянинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жа-
моат бирлашмаси бўлиб, мамлакат тараққи-
ёти, халқ фаровонлиги, шахснинг эркин ва
ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш
учун зарур бўлган демократик ҳуқуқий давлат
қуриш, фуқаролик жамияти, ижтимоий йўнал-
тирилган эркин бозор иқтисодиётининг шакл-
ланишида онгли ва масъулият билан иштирок
этишни истовчи барча Ўзбекистон фуқарола-
ри учун очкидир.

Энг фаол тарғиботчилар аниқланди



"Либерал гоёларнинг энг
фаол тарғиботчиси" тақди-
мот-танловининг Қорақалпоғис-
тон Республикаси босқинчи бў-
либ ўтди. Ҳамкор ташкилотлар
ҳамда ОАВ вакиллари иштирок
этган ушбу тadbирда O'zLiDeP-
нинг кўйи тузилмалари фаол-
лигини янада ошириш, мафку-
равий ишларни жонлантириш,
жойларда партия таъсирини
кучайтириш ҳамда тарғибот-
чиларни муносиб рағбатланти-
риш, улар сафини кенгайтириш
масалалари тўғрисида батафсил
сўз юритилди. Танловнинг асо-
сий қисмида шаҳар ва туман

босқичларида ғолиб бўлган 15
нафар БПТ фаоли ўз тақдироти
билан иштирок этди.
Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир
катнашчининг нечоғли ташаб-
бускорлиги, дунёқарашининг
ғоявий ва мафкуравий жиҳатдан
мустаҳкамлиги, амалга оширган
лойиҳалари, ҳамкорлик ишлари
жамоатчилик томонидан эъти-
роф этилгани, партиявий тал-
бирларда ўзининг тарғиботчи
сифатидаги қобилиятларини қай
даражада намоён қилгани ва бо-

шқа мезонларни ҳисобга олиб
қарор чиқарди.
Нукуслик Н.Пирназаров ва
С.Мамбетниязова мос равишда
биринчи ва иккинчи ўринлар-
га лойиқ топилдилар. Ҳўжайли
туманидан М.Ешимбетова эса
учинчи ўринни эгаллади.
Ғолиблар ва танловда фаол
иштирок этган сафдошларимиз
диплом ва эсдалик совғалари бил-
лан тақдирландилар.
O'zLiDeP Қорақалпоғистон
Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати

ЕРГА...ДОРИ ЭМАС, МЕХР БЕРИНГ ёхуд кимёвий “боқимандалик”нинг зарари хусусида

Аҳоли кўпайгани сари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Шу боис бугун жаҳон ҳамжамияти туپроқ унумдорлигини асраб қолиш устида бош қотирапти. Лекин озик-овқат хавфсизлиги масаласи глобал аҳамият касб эта бошлагандан бери қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ерлардан янада кўпроқ ҳосил олиш мақсадида кимёвий моддалар фаол қўлланилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бу ёндашув туپроқ, сув, атроф-муҳитни турфа кимёвий моддалар билан захарлайпти. Оқибатда етиштирилаётган маҳсулотларнинг таркиби ўзгариб, инсон саломатлиги хавф остида қолади.

Маълумотларга қараганда, ҳозир жаҳон қишлоқ хўжалигида 100 мингга яқин кимёвий препаратлар қўлланилмоқда. Ҳар йили далада 500 млн. тонна кимёвий ўғит ва 4-5 млн. тонна захарли моддалар сепилмоқда. Ўсимликлар касалликларига қарши қўлланиладиган пестицид ва гербицид каби моддалар, зарарли хашаротлар учун ишлатиладиган инсектицидлар экологик мувозанатга салбий таъсир ўтказаятигани ҳам бор гап. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кимёвий ўғитларнинг (фосфорли, калийли, азотли) ерга муттасил солиниши натижасида нафақат туپроқнинг табиий хусусияти, балки фойдали микроорганизмларга ҳам кирон келтирилмоқда. Мисол учун, туپроқ чувалчанлари, туганак бактериялар шундай балога гирифторм бўлмоқда.

10 мартаба ошириш имконини берди. Бундан ташқари, меҳнат сарфи ва маҳсулот таннархи кескин камайди. Ўша пайтларда замонавий технологиялар ва препаратлар туяфайли инсоният учун тўқ келажак сари йўл очилди, очлик ҳодисаси энди ўтмишда қолади, деб бонг урилди.

Амалиётда эса ундай бўлмади. Танганинг икки томони бўлганидек, иктисодий имкониятлар билан бирга химикатлар экологик муаммоларни ўзи билан етаклаб келди. Биринчидан, ўсимликлар таркибида кимёвий унсурларнинг мезърдан ошиши одамлар саломатлигига хавф тугдирди бошланди. Келиб чиқиб сабаби асосан пестицид ва нитратлар билан боғланаётган касалликлар нафақат бугунги, балки келажак авлодларга ҳам таъсир кўрсатувчи гормонал хасталиклар сифатида тилга олинаётди.

Шу ва бошқа қатор сабаблар туяфайли эндиликда қишлоқ хўжалигининг органик-биологик усулига мурожаат қилинмоқда. Мутахассислар қишлоқ хўжалигининг бу кўриниши қачон ва қаерда пайдо бўлганини аниқлаш мураккаб масала эканлигини таъкидлашса-да, унинг концепцияси синтетик агрохимикатлар ихтиро этилмасдан аввал мавжуд бўлганлигига шубҳа йўқ.


Мустақил йўналиш сифатида органик қишлоқ хўжалиги ХХ

асрнинг бошларида шакллана бошлади. Ушбу тушунча илк мартаба Оксфорд университетининг қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассиси лорд Нортборн томонидан 1940 йилда нашр этилган “Ерга ғамхўрлик қилинг” номли китобда илгари сурилди.

Органик қишлоқ хўжалигининг асосчиларидан яна бири британиялик ботаник Альберт Говарддир. Унинг “Қишлоқ хўжалигига доир ўғитлар” китоби кўплаб олим ва фермерларга ижобий таъсир кўрсатди. Говард ўзининг илмий рисоласида кимёвий ўғитларнинг хайвонлар ва ўсимликларга салбий таъсирини атрофлича таъсир қилди. Туپроқнинг озиклангиришда ўсимлик қолдиқлари ва ўғитдан тайёрланган бир вақтлар баъзи агроном ва ўсимликшуносларнинг кимёвий воситаларисиз мўл ҳосил олиш мумкин эмас, деган қарашларини йўққа чиқарди. Аини пайтга келиб дунёда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кимёвий препаратлар ўрнига самарали микроорганизмлар технологиясидан фойдаланишга кенг ўрин берилмоқда. Экспертларнинг фикрича, ушбу микроорганизмлар ҳам маблағ сарфлаб, юқори самардорликка эришши имконини беради.

Бугунги кунда дунё микёсида қишлоқ хўжалиги ерларининг фақатгина 0,7 фоиздан органик усулда фойдаланилмоқда. Шу йўналиш ривожланаётган мамлакатларда соҳага давлат субсидиялари ажратилаётди. Хусусан, Германияда деҳқон ва фермерларни қўллаб-қувватлаш учун федерал дастурлар қабул қилинган бўлиб, унга кўра, фермер хўжаликларига қайта ишлаб чиқариш, маҳсулотни сотувага тайёрлаш ва экологик маҳсулотни сотиш учун имтиёзли кредит олиш имконияти мавжуд. Қолаверса, ернинг унумдорлигини сақлаб қолган ҳолда юқори ҳосил етиштириш, табиатдаги хилма-хиллини тиклаш ва туپроқнинг биологик фаоллигини ошириш, пестицид, гербицид ҳамда бошқа кимёвий ўғитлардан воз кечиш, фақатгина унинг органик турини ишлатишга қатъий эътибор қаратилмоқда. XIX асрнинг охири ХХ аср бошларида асос солинган мазкур тизимга биноан қишлоқ хўжалиги қорхоналари мустақил равишда фаолият юритиб, сув, э-м-хашак, зараркундларга қарши кураш воситаларини ўзлари ишлаб чиқаришлари ва туپроқ ҳосилдорлигини ўз қушлари билан оширишлари зарур эди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолчи соғлиги ва табиатга зарар етказмаслиги қатъий белгиланди.

Аини пайтда мазкур истиқболли йўналиш янада кўлаб-қувватланиб, унинг асосий мақсади юқори сифатда эга бўлган озик-овқат маҳсулотларини етиштириш, табиий экотизимга зарар етказмаган ҳолда фаолият олиб бориш, деҳқончиликда микроорганизмлар, туپроқ флораси ва фаунаси, ўсимлик ва хайвонлар дунёсидан иборат бўлган биологик цикллари рағ-



батлантириш, деҳқончиликда қайта тикланадиган манбалардан кенг фойдаланиш, қорамол ва чорвани табиий ҳаёт тарзига монанд сақлаш, чорва молларини даволашда антибиотиклардан фойдаланмаслик, қишлоқ хўжалиги фаолияти натижасида атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймастик, деҳқончилик тизимида ирсий биохилма-хиллини сақлашдан иборатдир.

Ушбу усуллар 1972 йилда Францияда ташкил этилган Органик қишлоқ хўжалиги учун халқаро ҳаракат федерацияси (IFOAM) томонидан белгиланган бўлиб, бугунги кунда унга 108 та мамлакатдан 750 та ташкилот аъзо. Эътиборлиси, Германияда чорвачилиқдан олинадиган органик ўғитлар ерга қиртилган, туپроқдаги азот микдорини ошириш учун дуққаклилар билан алмашлаб экиш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Зеро, илмий жиҳатдан ҳам бу усул аллақачон ўзини оқлаган. Экологик мувофиқлигини яна бири омили ўсимликлар химиясининг янги тизими ишлаб чиқилганидир.

Европанинг аксарият мамлакатларида бўлгани сингари АКШ ва Австралияда ҳам бундай лойиҳалар жадал молиялаштирилмоқда. Бу мамлакатларда “био” ёзуви туширилган маҳсулотларга, уларнинг нархи “оддий” маҳсулотларга қараганда бир неча мартаба юқори бўлишига қарамай, талаб юқори. Талабнинг жадал ортиб бориши натижасида органик маҳсулот бозорининг кенгайётгани бу давлатларнинг соҳани ривожлантиришдаги иштирокини янада кўпроқ рағбатлантирмоқда. Яъни, органик қишлоқ хўжалигининг тармоқдаги улушини кўпайтиришга эътибор қаратилаётди. Сабаби, одамларнинг аксарияти органик маҳсулотларга кўпроқ пул тўлашга тайёр, бу борада талаб ортса ортаяттиқи, асло камаймаяпти.

Бундан ташқари, соҳа мутахассислари органик қишлоқ хўжалигининг асосида ётган қадриятларга интилиш аънавий қишлоқ хўжалигининг ислоҳ этишга ҳам қўмаклашишини эътироф этишмоқда. Бунда ўғитлардан фойдаланиш устидан назорат

қатъий йўлашди. **Шарҳ**

антибиотиклардан фойдаланиш таъқиқланади, алмашлаб экиннинг экологик технологиялари жорий этилади. Қолаверса, илмий тадқиқотлар ҳам бу борадаги изланишларни тезлаштиради. Бугунги кунда органик қишлоқ хўжалигидаги турли паразит ва касалликлар билан боғлиқ муаммоларни қисман ҳал этадиган қатор биологик фаол препаратлар ҳам яратилган. Шу сабабли мазкур тармоқнинг ривожланаётгани албатта ижобий ҳодисадир.

Бир сўз билан айтганда, аини пайтда дунё ҳамжамияти ва қатор халқаро ташкилотлар мазкур йўналишда кўплаб лойиҳаларни ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга таъбиқ этишмоқда. Мақсад табиат тухфаси бўлган унумдор ерларни асраб-авайлаш, уларни кимёвий моддалар билан “боқимон”ни камайитириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини табиий усуллар ёрдамида етиштириб, пировардида мўл ҳосил олишдир.

Акбар МУЗАФФАРОВ,
шарҳловчи

ИМКОНИАТГА ЯРАША САЛОҲИАТ

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ноқамлақатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига давлатимиз иктисодий тараққиётини таъминловчи энг муҳим омиллардан бири сифатида қаралмоқда. Бу эса дунёнинг нуфузли ташкилотлари юқас эътирофига ҳам сабаб бўлаётгани янада қувонарли. Жаҳон банки томонидан ўтган йилнинг октябрь ойида эълон қилинган “Бизнес юритиш” рейтингига Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллагани ва “янги бизнесни қўллаб-қувватлаш” деб номланувчи мезон бўйича мамлакатимиз жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни эгаллагани, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича дунёдаги ўн та давлат қаторидан жой олганининг ўзи ҳам юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити тўла яратилганидан далолат беради. Ана шундай ютуқларнинг бош омили давлатимизда кичик ва хусусий бизнес субъектларига эркин фаолият юритишлари учун қатъий имкониятлар яратилаётгани, маҳсулот экспорти ҳажмини янада оширишни рағбатлантириш мақсадида қўшимча имтиёз ва преференциялар берилаётганидир.



Президентимизнинг жорий йил 16 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришда алоҳида аҳамият касб этади, десак асло хато бўлмайди.

Муҳбиримизнинг Ташқи иктисодий фаолият “Миллий банки” ҳузурдаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори Жаҳонгир Мустафоев билан мулоқоти ана шу хусусида бўлди.

— Жаҳонгир ака, аввало, мазкур қарор ва унда белгилаб берилган вазифалар, жамғарманинг янада фаол ҳаракати учун яратилган имкониятлар хусусида фикрлашсак.

— Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида жорий йилда Жамғарма устивар капитални камида икки баробарга кўпайтириш ҳисобидан унинг молиявий имкониятлари, ваколатлари, вазифа ва кўрсатаётган молиявий хизматлари рўйхатини кенгайтириш, мамлакатимиз минтақаларида жамғарманинг таркибий бўлиmlларини ташкил қилиш масаласини кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтган эдилар. Албатта бу бизни янада фаолроқ ишлашга, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга ундайди. Зеро, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, уларнинг экспорт фаолиятини самарали ташкил этиш йўлида қўрилаётган

қаралар ўтказиб, умумий қиймати 10,8 миллиард долларлик текстиль маҳсулотлар экспорт буйича бир қатор битимлар имзолади. Апрель ойида эса “AYMOD-2016” халқаро чарм-пойбазал кўргазмасида республикамизнинг 10 нафар ишлаб чиқарувчиси билан бир қаторда “Ўзбекчармпоибазали” уюшмаси ҳам ўз таркибига кирувчи қорхоналар маҳсулотини билан иштироки имтиёзли тарзда ташкиллаштирилди. Аини шу кўргазмада ҳам 23 миллион АҚШ доллари миқдоридан экспорт шартномалари имзоланди. Шунингдек, февраль ойида Фаргона вилоятида Латвия, Қозғистон, Россия ва бошқа давлатларнинг халқаро ташкилотлари, “Ашан”, “Магнит”, “Метро Кеш энд Керри”, “Х5”, “Пятерочка” каби йирик савдо мажмуалари ва маҳаллий экспортёр қорхоналар вакиллари иштирокида ташкил этилган икки кунлик давра суҳбати доирасида 150 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги экспорт шартномалари имзоланди. Қарорга биноан жамғармага хоржий давлатларда ўз ваколатхоналарини очиб ҳуқуқи берилганини юқорида қайд этдик. Ҳозирги пайтда жамғармамиз томонидан Россия Федерациясининг Москва, Уфа, Хитойнинг Хуанджоу, Латвиянинг Рига, Жанубий Кореянинг Сеул шаҳарлари, Сингапур, МДХ, Осиё ва Европа давлатларида ваколатхоналар очиб учун тайёрларлик қўрилмоқда.

— Хабарингиз бор, яқинда Президентимизнинг “Мева-сабзавот, қартошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Бундан қўзда тутилган асосий мақсад — мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт ҳажмини янада оширишдан иборатдир. Айтингиз, жамғарма бу борада экспорт билан шуғулланувчи агрофирмаларга қандай ёрдам кўрсатапти?

— Республикаимизнинг ҳар бир тумани ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда жамғарма таъсисчилигида 64 та агрофирма ташкил этилди. Жамғарма қўмағида мазкур агрофирмалар томонидан жами 372 миллион долларлик экспорт шартномалари тузилиб, ҳисобот даврида улар томонидан 10,4 миллион доллар миқдоридан экспорт амалга оширилган бўлса, хоржий ҳамкорлардан 12,7 миллион доллар маблағлар келиб тушди. Жамғарма ҳодимлари кредит олиш билан боғлиқ зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва умумий

Реклама ўрнида

қиймати 134,9 миллиард сўмлик кредит маблағларини олишда тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатди. Аниқ мисолларга тўхтайдиган бўлсак, Самарқанд вилоятидаги филиалимиз томонидан ҳозиргача 5 та агрофирмага 7,3 миллион АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари тузишда амалий ёрдам кўрсатилгани натижасида агрофирмалар 1 миллион 200 миң АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот экспорт қилишди. “MAROQAND INTENSIVE GARDENS” агрофирмасининг таъсисчиси “Афросиёб Мева” кичик қорхонасига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш, қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш учун 5 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағи ажратилгани натижасида 20 та янги иш ўрни яратилиб, мева шарбатлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аини пайтда маҳсулотнинг 70 фоизи экспорт қилинаёпти. Яқин орада “AGRO DRY FRUITS” МЧҚ агрофирмасига 18 млрд. 720 млн. сўм миқдоридан кредит ажратиш режалаштирилаётди. Ушбу маблағнинг 6 млрд. 304 млн. сўми қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саралаш, калибрлаш, маркировкалаш ва қайта ишлаш ускуналарини сотиб олиш учун мўлжалланган бўлса, қолган маблағ зарур технологик жараёнлар учун сарфланади. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспортни амалга оширишга мўлжалланган логистик марказ кўринишидаги комплекс ташкил этилиши билан 105 та янги иш ўрни яратиш ҳам қўзда тутилган. Бундан ташқари, хоржий ҳамкорлар билан умумий қиймати 105 миллион АҚШ долларлик 98 миң тонна маҳсулотга буюртма мавжуд бўлиб, улар 2016 йил давомида амалга оширилади.

Муҳтасар қилиб айтганда, яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида жорий йилда жамғарма хизматларидан фойдаланувчи тадбиркорлар сонини 2 мартага, молиявий қўмақ миқдорини эса 2,5 баробарга ошириш қўзда тутилмоқда. Бу эса жамғарма қўмағида амалга оширилган экспорт ҳажми ўтган йилга нисбатан 50 фоизга ёки 500 миллион АҚШ доллари ҳажмида кўпайиш имкониятини яратади. Зеро, Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлақати сифатида ўзини тўлароқ намойён этиб, дунёда тобора катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлаётгани ҳам бежиз эмас.

“XXI asr” муҳбири
Зиёдулла МҲМИНОВ
суҳбатлашди.

ХАЁТ АҚИҚАТЛАРИ

Римма АХМЕДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Умрни игво, ҳасадлар билан емириб ташламасдан, нималардир қилиб қолишга улгуриш керак. Қайсидир актёр таниқли бўлишни, ҳамма уни таниб, тезда оғизга тушишни хоҳлайди. Аслида кўриниб туриш илинжида ўзини тўрт ёққа уравериш актёрни кўрсатмайди, аксинча, кўмиб ташлайди. Бошқа актёрга умуман таниқли бўлишнинг ҳожати йўқ, ҳаттоки унга малол келади. У учун ҳайрат муҳим. Бу ҳайратни на шон-шухратга, на бойликка, ҳеч бир нарсага алишмайди. Табиийки, ҳайратни соғинган, қўмсаган одамнинг ўзи ҳам ҳайрат улаша олади.

Таниқли бўлиш осон. Бу учун истеъдод керак эмас. Битта рекламага тушсангиз телевизорда сизни кунига 15-20 марта кўрсатса, шунинг ўзи кифоя. Эртаси кун кўчага чиқсангиз "анави телевизорда чиққан" деб кишилар кўлини бигиз қилиб кўрсатади. Севикли бўлиб қолиш, уста даражасига етиб, машхур бўлиш қийин.

Ҳеч ҳазм қилолмайман, кулдирмаган, йиғлатмаган одам актёр эмас деган фикрни. Бу ўта саёз, жўн тушунча. Кулдириш ёки йиғлатиш санъат эмас! Бизнинг томошабинларни баҳкана қилигу гап-сўзлар билан кулдириш қанчалар осон

бўлса, уларни йиғлатиш учун "Вой болеем" дейишнинг ўзи кифоя. Агар сен тўрт ёки ўн одамни ҳайратлантиролмасанг, демак, сен бугун ўз вазифангни бажармадинг. Бугунги кунингги ҳеч иккиланмасдан ҳаётингдан ўчириб ташла. Чунки ҳайрат излаб келган одамни алдадинг. Пулига, вақтига хиёнат қилдинг. Биласизми, фақат актёргина томошабин билан кўз уриштириб, ҳаёт ҳақида, унинг маъноси ҳақида катта суҳбат қура олади. Бу имконият на режиссёрда, на драматургга бор.

Залдаги томошабинларнинг ҳаммасини ёппасига ҳайратлантира олиш ҳам хом хаёл, бу

учун томошабиннинг ўзи ҳам руҳан тайёр бўлиши лозим. Чунки ҳамманинг диди, қалби, савияси турлича. Одамларни йиғлатиш ёки кулдириш асосий мақсад қилиб олинган, куруқ панд-насихатдан иборат, зални томошабинлар билан тўлдириш илинжида "манна — аншлағ!" дея майнавозчиликдан иборат томошалар санъатнинг қонунларидан чекинганлиги учун ҳам ҳеч қачон санъат асари бўлолмайди!

— Ҳаёт сиз учун нима?
— Агар шу кунгача неларгадир эриша олган бўлсангиз, барисининг замирида муҳаббат ётади. Мен ҳаётни муҳаббат

орқали кўрдим. Муҳаббат менинг кўзим бўлди.

Инсон ҳаётида шундай хатолар бўладики, уларнинг биттаси бутун умрингга етади. Қолган хатоларинг учун пойдевор вазифасини ўтайди. Энг асосийси, Аллоҳ томонидан тўхфа этилган тан, қалб, онгни ардоқлаш керак. Хасталик — ночорлик, имкониятнинг чекланганлиги демак.

Ҳаётда ҳеч кимдан ранжимаслик керак, деб ўйлайман. Чунки бу йўлларни Аллоҳнинг ўзи чизган. У ҳеч нотўғри чизмайди. Сиз билан менинг вазифам шу йўллардан, тақдиримда бу ҳам бор экан, дея қаноат билан ўтиш. Қаноатда ҳикмат кўп. Қанча ўнқир-чўнқир бўлмасин, бу йўллардан ўтишимиз зарур. Фақат бу йўллардан ўтаётганда тавба-тазарру билан, бизни ва бизга озор етказганларни ЎЗИНГ кечир, деб ўтайлик!

Икбол ҚҮШШАЕВА
ёзиб олган. 2005 йил.

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Ўзбекистон Фанлар академияси "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг "Универсиада – 2016" спорт мусобақалари машғаласини аланга олдириш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси жорий этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари Олимпия уйинларига қиёсланиб машғала ёқиш маросими билан бошланганда улкан рамзий маъно бор. Чунки спорт билан мунтазам шугулланаётган ёшларнинг қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия уйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдек олий мақсадини рўёбга чиқаришда мазкур спорт мусобақаларининг аҳамияти катта.

УНИВЕРСИАДА МАШҒАЛАСИ ФАРҒОНАГА ЙЎЛ ОЛДИ!



Ўтган йиллардаги Универсиада мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, катта спортга қадам қўйган кўп ёшларимиз ўз галабалари билан майлақатимизнинг жаҳон майдонидан оғир-эътибори янада юксалишига ҳисса қўшаётди. Майдонга тантанали мусиқа садолари остида машхур спортчиларимиз, "Универсиада – 2016" спорт мусобақалари иштирокчилари ва уларнинг издошлари — ўқувчи-ёшлар кириб келади. Давлатимиз мадҳияси янграйди.

Мамлакатимиз ёшлари юрагидаги жўшқинлики, қалбдаги шижоатни ўзида акс эттирувчи "Универсиада – 2016" машғаласини 2012 йили Лондонда ўтган Паралимпия уйинлари совриндорлари, дэюдочи Шариф Халилов ўт олдириб, майдонга олиб киради. У машғалани 2016 йили Жанубий Кореянинг Чонжу шаҳрида академик ашқак ашиш буйича Осиё саралаш мусобақасида голиб чиқиб, XXXI Олимпия уйинларига йўлланмани қўлга киритган истеъдодли спортчимиз Шаҳбоз Холмирозавга

СПОРТ

тантанали равишда топширади.

— Серкўёш юртимиз офтобининг заррин нурларини ўзига сингдирган ушбу машғала орзу-умидларимиз, келгуси муваффақиятларимиз маёғидир, — дейди Ш.Холмирозав. — "Универсиада – 2016" спорт уйинларида иштирок этаётган талабаларимиз Олимпия уйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатларида юксак марраларни эгалашига, халқимиз, Президентимиз ишончини оқлашига ишончимиз қомил.

Машғала Фарғона вилояти сари йўл олади.

"Универсиада – 2016" машғаласи олиб ўтиладиган шаҳар ва қишлоқларда тантанали маросимлар, спортчиларнинг чиқишлари ўтказилади. Таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирокидаги маданий-маърифий ва спорт тадбирлари талабаларнинг ёшлик, гўзаллик, бирдамлик байрамга ҳамоҳанг куй-қўшиқ ва рақсларга уланади.

Жавохир ТОШХҲАЕВ,
ЎА мухбири

Дониёр — жаҳон чемпиони

Техрон шаҳрида спорт курашлари буйича эшитиш қобилияти заиф бўлган спортчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг 24 та давлатидан эркин ва юнон-рум курашчилари иштирок этди. Улар орасида ҳар икки йўналишда ўзбекистонлик ёш полвонлар ҳам голиблик учун гиламга чиқишди. Улар орасида терма жамоамиз аъзоси Дониёр Яқияев 46 кг вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Шунингдек, унинг ўзи эркин кураш баҳсларида ҳам иштирок этиб, кумуш медал билан тақдирланди.

Диёр МАМАТҚУЛОВ

ҲАМКОР ВА МАДАДКОРМИЗ!

"Ўзстандарт" агентлиги "Самарқанд шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонаси мутахассислари юртимизнинг аъзи қатъий ва шижоаткор ишбилармонлари, хуосунан, Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, фермер хўжалиқларининг сифатли, истеъмолчилар учун манзур бўладиган, импорт ўрнини босадиган ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришларида доимо мададкордирлар!

Азиз тадбиркорлар!

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган ёки импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олишингиз, шунингдек, маҳсулотингизнинг ички ва ташқи бозорда харидоригр бўлиши учун Халқаро ISO 9001 — "Сифатли бошқариш тизими"ни жорий этишингизда марказимизнинг малакали мутахассислари, эксперт-аудиторлари сизга доимо зарур маслаҳат ва ёрдамларини аямайдилар.

Корхонамиз ёки хонадонингиздаги ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан тез ва сифатли ўтказиш учун ҳам бевосита марказимиз мутахассисларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Яна бир қўлайлик - марказимизнинг (0 366) 222-09-07 рақамли "Ишонч телефони" ёки www.samarqand.uz веб-сайти орқали мурожаат қилсангиз, ўзингизни қизиқтирган барча саволларга малакали мутахассисларимиз жавоб беришади.

Биз доимо сизнинг хизматингизда!

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси 147а-уй.
Телефонларимиз: (0 366) 222 09 07, факс: 222 21 52
e-mail: samarqandssm@rsm.uz, samsert@umail.uz

"Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонаси
Хизматлар лицензияланган


"МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ҳаётимиз қувончи, келажакимиз ворислари саналмиш шириндан шакар фарзандларимизни

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан самимий табриклайди.

Сизлар мустақил Ўзбекистонимиз бағрида эмин-эркин ўсиб, буюк аждодларимиз, ота-боболаримиз анъаналарининг муносиб давомчилари бўласизлар, деган умиддамиз.

Қутлуғ айём сизларга олам-олам шодликлар келтирсин!



Хизматлар лицензияланган

"Шўртангазкимё" Реклама мажмуаси жамоаси

Ўзбекистонимизнинг эртаси бўлган
азиз фарзандларимизни

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан
муборакбод этади!

Озод ва обод юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган
Янги авлод учун барча имкониятлар яратиб
берилаётгани қувонарлидир.

Ишончимиз қомилки, сизлар ана шундай
шарт-шароитларда таълим — тарбия олиб,
улуғ аждодларнинг муносиб ворислари бўлиб
етишасизлар.

Байрам муборак, азиз болажонлар!



Хизматлар лицензияланган

